

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТИББИЙ ПЕДАГОГЛАРДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
М А Ж М У А**

**Тошкент 2019**

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:**

Авезова Г.С. ТТА, Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби доценти

Анваров Ж.А. ТТА, Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси ,фалсафа доктори (PhD)

**Такризчи:**

Азизова Ф.Л. ТТА Илмий ишлар ва инновацион фаолият буйича проректор, т.ф.д., доцент

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР .....	5
МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	15
АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР.....	38
КЕЙСЛАР БАНКИ.....	66
ГЛОССАРИЙ .....	70
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	72

# I ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган катъий ислохотлар мазмунини очиқ беришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни тиббиёт олий таълим муассасаларининг педагогларида тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш фани бўйича норматив-ҳуқуқий асослари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

«Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш» модулининг мақсади тингловчиларни илмий тадқиқот методологияси, ҳозирда мавжуд бўлган замонавий тадқиқот усуллари, уларни ўтказиш, клиник тадқиқотлар ўтказишнинг этик принциплари (Нюрнберг кодекси, Хельсинки декларацияси, Бельмонт доклади) билан таништириш, Science Direct ва PubMed илмий маълумотлар базалари билан ишлаш, илмий мақолаларни Scopus ва Web of Science электрон базаларида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга тайёрлаш ва чоп этиш, интернет кидирув платформаларида илмий журналларни излаб топиш, Scopus талаблари асосида илмий мақолалар тайёрлаш, илмий тадқиқот натижаларини ёзма ва оғзаки кўринишда тайёрлаш ва тақдим этиш малакасини шакллантиришдир.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш” модулнинг мақсади**– тингловчиларда илмий тадқиқот ўтказиш, тадқиқот турлари, босқичлари ва тадқиқот натижаларини жорий этиш ҳақида билимлар ва малакалар ва кўникмалар тизимини шакллантириш ва бу билимларни тадқиқот натижалари асосида ёзилган илмий мақолаларни рейтинг баланд журналларда чоп этиш жараёнида қўллашни ўргатиш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- илмий тадқиқотчилик компетентлиги тўғрисидаги умумий тушунчаларни аниқлаштириш;
- тингловчиларда илмий тадқиқотни ўтказиш методологияси бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- илмий тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш методологиялари ҳақида маълумотлар бериш;
- назарияларни тасдиқлаш ёки инкор қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;
- клиник тадқиқотлар ўтказишнинг этик принциплари билан таништириш;
- интернет қидирув платформаларида илмий журналларни излаб топишни ўргатиш;
- Science Direct ва PubMed илмий маълумотлар базалари билан ишлаш малакасини шакллантириш;
- Scopus талаблари асосида илмий мақолалар тайёрлаш, илмий тадқиқот натижаларини ёзма ва оғзаки кўринишда тайёрлаш малакаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакасига қўйиладиган талаблар**

**“Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

#### **Тингловчи:**

- илмий тадқиқот турлари ва босқичлари;
- ёзма, аналитик, клиник тадқиқот усуллари;
- когорт ва ҳодиса-назорат тадқиқот усулларининг дизайни;
- тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- систематик шарҳ ва мета-анализ;

– интернетдан тегишли ахборотларни қидириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.*

**Тингловчи:**

- илмий тадқиқотга мос бўлган тадқиқот дизайнини тадқиқотларларда қўллаш;
- кузатув гуруҳларига киритиш ва истисно қилиш мезонларини ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқотларни олиб боришда ниқоблаш усули;
- тадқиқотларда плацебо эффектини қўллаш;
- клиник протоколни расмийлаштириш;
- Scopus библиографик ва рефератив маълумотлар базасида маълумотлар билан ишлаш*кўникмаларига эга бўлиши зарур;*

**Тингловчи:**

- илмий тадқиқот ўтказишни режалаштириш, мақсад ва вазифаларни танланган муаммо асосида шакллантириш;
- илмий тадқиқот ишини ўтказиш, маълумотларни тизимлаштириш, олинган маълумотларни интерпретация қилиш;
- натижаларни тақдим этишда зарур жадваллар ва график тасвирларнинг яратиш;
- тадқиқотлар натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқиш;
- тадқиқотларни ўтказиш ва натижаларни амалиётга тадбиқ этиш;
- илмий тадқиқот натижаларини ёзма ва оғзаки кўринишда тайёрлаш;
- Science Direct ва PubMed илмий маълумотлар базалари билан ишлаш;
- Scopus талаблари асосида илмий мақолалар тайёрлаш*малакаларига эга бўлиши керак.*

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия презентацион ва электрон технологиялардан фойдаланилади;
- амалий машғулотларда интернет, техник воситалардан, экспресс-сўровлар, гуруҳли муҳокама, кичик гуруҳларда ишлаш, илмий мақолалар билан танишиб уларни танқидий шарҳлаш ва бошқа интерактив таълим

усулларини (SWOT тахлили, PRES усули, Т-схема усули) қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.**

Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш мазмуни ўқув режадаги учинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модуль бўйича соатлар тақсимооти:**

	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	жами	Аудитория ўқув юкلامаси		Мустақил таълим
				назарий	амалий машғулот	
1	Илмий тадқиқот ўтказиш методологияси. Клиник тадқиқот ўтказишда этика масалалари. Илмий тадқиқотни ўтказишни режалаштириш ва унинг босқичлари.	4	4	2	2	-
2	Илмий мақолаларни Scopus базасида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга тайёрлаш ва чоп этиш. Science Direct ва SCImago Journal Rank илмий маълумотлар базалари билан ишлаш.	4	4	2	2	-

3	Тадқиқот натижаларини илмий маъруза кўринишида тайёрлаш ва тақдим этиш.	2	2	-	2	-
	<b>Жами:</b>	10	10	4	6	-

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 – мавзу: Илмий тадқиқот ўтказиш методологияси. Клиник тадқиқот ўтказишда этика масалалари.**

Илмий тадқиқотларни ўтказишнинг мақсади ва асосий вазифалари. Тадқиқотларни ташкил қилиш. Тадқиқотларнинг ўтказиш тартиби, асосий қоидалар ва босқичлари, клиник – статистик тадқиқотларни ўтказиш хусусиятлари. Илмий тадқиқот режасини тузиш. Клиник тадқиқот турлари ва босқичлари. Тадқиқот дизайни. Клиник синов тамойиллари ва ўтказиш тартиби. Клиник тадқиқот ўтказишда этика масалалари (Нюрнберг кодекси, Хельсинки декларацияси, Бельмонт доклади), инсонлар тадқиқот объекти сифатида.

### **2 – мавзу: Илмий мақолаларни Scopus базасида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга тайёрлаш ва чоп этиш.**

Scopus ва Web of Science электрон базалари тўғрисида маълумот, ушбу базаларда рецензиядан ўтувчи илмий журналларга илмий мақола тайёрлаш ва чоп этиш қоидалари, илмий мақола таркибий қисмлари. Илмий журналлар рейтинги. Илмий ўлчов бирликлари тўғрисида маълумот: Impact factor, Cite Score, Хирш индекси.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 – амалий машғулот: Илмий тадқиқотни ўтказишни режалаштириш ва унинг босқичлари.**



Илмий тадқиқот мавзусини танлаш. Мавзуни танланишини белгиловчи омиллар. Тадқиқотнинг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаш ва асослаш. Тадқиқот мақсадининг белгиланиши ва вазифаларнинг қўйилиши. Тадқиқот услубларининг танланиши. Тадқиқот ишини режалаштириш. Фаразларни шакллантириш. Адабиётлар билан ишлаш. Тадқиқот дизайни. Натижаларни баҳолаш мезонлари. Олинган натижаларни шакллантириш ва таҳлил қилиш. Олинган натижаларни статистик ишлаш усуллари тўғрисида.

## **2 – амалий машғулот: Science Direct ва SCImago Journal Rank илмий маълумотлар базалари билан ишлаш.**

Science Direct маълумотлар базасида илмий тадқиқот учун зарур бўлган манбаларни қидириш ва юклаб олиш. SCImago Journal Rank маълумотлар базасида рейтинги баланд илмий журналларни излаб топиш ва муаллиф учун маълумотлар билан танишиш, ушбу журнал талаблари асосида мақолаларни тайёрлаш. Илмий мақола намуналари билан ишлаш ва танқидий шарҳлаш.

## **3 - амалий машғулот: Тадқиқот натижаларини илмий маъруза кўринишида тайёрлаш ва тақдим этиш.**

Илмий маъруза тақдимоти шакллари (маъруза, стенд маърузаси). Илмий маъруза таркибий қисмлари. Илмий маъруза тақдимоти презентациясини тайёрлашда техник талаблар. Илмий тақдимотларда график тасвирлар ва жадвалларга талаблар. Илмий тақдимот намуналари билан ишлаш ва танқидий шарҳлаш.

## **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маъруза машғулотида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедия презентацион ва электрон технологиялардан фойдаланилади;

- амалий машғулотларда интернет ва техник воситалардан фойдаланиш;

- давра суҳбатлари: илмий мақолалар ва тақдимотлар билан танишиб уларни танқидий шархлаш.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-ТАҲЛИЛ” УСУЛИ

“SWOT таҳлил” усули биринчи бўлиб 1963 йили Гарвардда бўлиб ўтган илмий анжуманда бизнес-сиёсатшунос профессор Кеннет Эндрюс (инглизча *Kenneth Andrews*) томонидан киритилган бўлиб, асосан иқтисодиёт соҳасида компаниялар ва бизнес лойиҳаларни стратегик режалаш ва баҳолаш учун қўлланилган. Кейинчалик бу усул бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Тиббиётда эса “SWOT таҳлили” ташхисот ва даволаш усулларини, профилактик чора тadbирлар таҳлилида қулай усул ҳисобланади.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

“SWOT” қисқартмаси қуйидаги инглизча сўзларнинг бош харфидан олинган:

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• хавф ва тўсиқлар

Бундай таҳлил орқали тингловчилар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини ҳам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиладилар.

Тепадаги иккита катакда таҳлил этилаётган усулнинг ёки объектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катакда таҳлил этилаётган объектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташқи омиллар ҳисобланади.

### **PRES ёки ФСМУ усули**

**Усулнинг мақсади:** Мазкур усул иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



## “Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – ўрганилаётган объектга характеристика бериш.

Синквейн схемаси: 1-қатор – тушунча; 2-қатор – тушунчани тавсифловчи 2 та сифат; 3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл; 4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўздан иборат гап; 5-қатор – 1-чи қаторда берилган тушунчанинг синоними.

### “Инсерт” усули

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

➤

Белгилар	1 -матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### Ш.НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1- мавзу: Илмий тадқиқот ўтказиш методологияси. Клиник тадқиқот ўтказишда этика масалалари.**

**Режа:**

1.Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, тадқиқотларнинг ўтказиш тартиби, асосий қоидалар ва босқичлари.

2. Клиник тадқиқот ўтказишда этика масалалари (Нюрнберг кодекси, Хельсинки декларацияси, Бельмонт доклади), инсонлар тадқиқот объекти сифатида.

**Илм-фан** – бу тартибга солинган ижтимоий тизим бўлиб, у ўзида табиат, жамият ва инсон онгининг объектив қонунлари тўғрисидаги билимлар тизимини, бу тизимни яратиш ва ривож-лантиришга қаратилган инсоннинг илмий фаолиятини ва илмий фаолиятни таъминлайдиган муассасаларни бирлаштиради.

**Илм-фан мақсади** – борлиқ ҳақидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий томондан тизимлаштириш ҳисобланади.

**Илм-фан вазифалари:**

— фактларни йиғиш, таърифлаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва тушунтириш;

— борлиқ, жамият ва фикрлаш билан боғлиқ қонун ва қонуниятлар аниқлаш;

— олинган билимларни тизимлаштириш;

— ўзгаришларни хоссаларини тушунтириш;

— жараёнларни, ҳолатларни прогнозлаш;

— олинган билимларни амалий қўллаш йўналишлари белгилаш.

Илмий тадқиқот ёки илмий тадқиқий ишлар (ИТИ) мақсадига, табиат ёки sanoat билан боғлиқлик даражаси ва илмий чуқурлигига кўра уч асосий турга ажралади: фундаментал (назарий), амалий ва ишланма.

**Фундаментал (назарий) тадқиқотлар** атроф борлиқдаги янги қонунларни очишга, ҳодисаларро алоқаларни аниқлашга, янги назария ва тамойиллар яратишга йўналтирилади. Улар ижтимоий билимни кенгайтиришга, табиат қонунларини янада чуқурроқ англашга имконият беради. Бу тадқиқотлар ҳамфаннинг ичида, қам ижтимоий ишлаб чиқаришда асос (фундамент) ҳисобланади.

**Амалий тадқиқотлар** илмий негиз (база) ишлаб чиқишга йўналтирилади. Мазкур негиз ишлаб чиқаришнинг янги воситалари (ускуналар, машиналар, материаллар, ишлаб чиқариш воситалари, ишни

ташқил этиш ва б.)ни ёкимавжудларини такомиллаштириш зарурдир. Бу тадқиқотлар жамиятнинг ишлаб чиқариш муайян тармоқларини ривожлантиришга бўлган талабларини қондириши лозим.

**Ишланмалар ёки тажриба конструкторлик ишлари (ТКИ)**дан мақсадамалий (ёки фундаментал) тадқиқотларнинг натижаларидан техника, ишлаб чиқариш технологиясининг янги хилларини барпо қилиш ва ўзлаштириш ёкимавжуд намуналарини такомиллаштириш мақсадида фойдаланилади. ТКИжараёнида илмий-тадқиқотлар техникавий тақлифларга айланади.

Фундаментал ва амалий ИТИларни бажариш жараёни бир қатор асосий босқичларни ўз ичига олади. Булар муайян мантиқий кетма-кетликда жойлашади.

**1-босқич.** Танланган мавзунинг долзарблигини асослаш ва ифода этиш:

- бўлажак тадқиқотларга тааллуқли муаммолар билан мамлакат ва хорижий адабий манбалар бўйича танишиш, унинг долзарблигини асослаш;
- муаммолар бўйича тадқиқотларнинг муҳим йўналишларини белгилаш ва таснифлаш;
- мавзунини ифодалаш ва тадқиқот аннотациясини тузиш;
- техникавий топшириқни ишлаб чиқиш ва ИТИ умумий календарь режасини тузиш;
- кутилаётган иқтисодий ёки бошқа фойдали самарани олдиндан белгилаш.

**2-босқич.** Тадқиқотнинг мақсади ва вазифасини ифодалаш:

- мамлакат ва хорижий нашрлар библиографик рўйхатини танлаш ва тузиш (монография, дарсликлар, мақолалар, патентлар, кашфиётлар ва б.), шунингдек, танланган мавзу бўйича илмий-техникавий ҳисобот тузиш;
- мавзу бўйича манбалар ва рефератлар аннотациясини тузиш;
- мавзу бўйича масалаларнинг аҳволини таҳлил қилиш;
- тадқиқот мақсад ва вазифаларининг баёнини тузиш.

**3-босқич.** Назарий тадқиқотлар:

- объект ва тадқиқот предметини танлаш, физик моҳиятини ўрганиш ва тадқиқот топшириғи асосида ишчи фаразни шакллантириш;
- ишчи фаразга мувофиқ моделни аниқлаш ва уни тадқиқ этиш;
- тадқиқ этилаётган муаммо назариясини ишлаб чиқиш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш.

**4-босқич.** Экспериментал тадқиқотлар (тасдиқлаш, тўғрилаш ёки назарий тадқиқотларни инкор этиш учун):

- экспериментал тадқиқотлар мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- экспериментни режалаштириш ва уни ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш;

- экспериментал қурилмалар ўрнатиш ва экспериментнинг бошқа воситаларини яратиш;
- ўлчов усулларини асослаш ва танлаш;
- экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва улар натижаларини ишлаб чиқиш.

**5-босқич.** Илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш еа расмийлаштириш:

- назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини таққослаш, улар фарқларини таҳлил қилиш;
- тадқиқот объекти назарий моделини аниқлаштириш ва хулосалар;
- ишчи фаразни назарияга ёки унинг раддига айлантириш;
- илмий ва ишлаб чиқариш хулосаларини шакллантириш, тадқиқот натижаларини баҳолаш;
- илмий-техникавий ҳисобот тузиш ва уни рецензия қилдириш.

**6-босқич.** Жорий этиш ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш:

- тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- иқтисодий самарани белгилаш.

### **Илмий тадқиқотлар мавзусини танлаш ва баҳолаш**

Илмий билиш муаммони ҳал қилиш билан боғлиқдир. Муаммоларнинг бўлмаслиги тадқиқотларнинг тўхтаб қолиши ва фаннинг бир жойда қотиб қолишига олиб келган бўлур эди.

**Гипотеза** – қадимги грек тилидан - **асос, тахмин** маъносини билдириб, олдиндан ўрганилган фактлар, ходисалар, жараёнларнинг муайян мажмуига асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.

Илмий тадқиқот ишларида қўйидагилар фарқланади: илмий йўналиш, муаммолар ва мавзулар.

**Илмий йўналиш** – фаннинг муайян тармоғида йирик, фундаментал, назарий экспериментал масалаларни ҳал этишга бағишланган жамоавий илмий тадқиқот соҳаси. Илмий йўналиш қўйидаги тузилмавий бирликларга бўлинади: мужассама муаммолар ва муаммолар, мавзулар ва масалалар.

**Муаммо** – мураккаб илмий масала бўлиб, ҳал этишни, тадқиқ этишни талаб қилади. У муаммовий вазият натижаси ҳисобланади, бу мавжуд эски билимлар ва эмпирик ёки назарий тадқиқотлар натижасида янгидан топилган билимлар ўртасида зиддият юзага келиши туфайли ҳосил бўлади. Мужассамавий муаммолар (ёки проблематика) – одатда, бир йўналишдаги мураккаб бир қанча масалани ўз ичига олувчи муаммолар мажмуи.

**Мавзу** – бу илмий масала бўлиб, тадқиқот талаб қилувчи муаммолар муайян соҳасини қамраб олади. У кўплаб тадқиқий масалаларга – муаммонинг аниқ бир соҳасига тааллуқли анча майда илмий масалаларга асосланади. Масалани ёки масалани ҳал этишда муайян тадқиқот вазифаси



ечилади, масалан, янги материални ишлаб чиқиш, конструкция, илғор технология ва ш.к.лар ни яратиш. Бунда уларни бажариш фақат назарий аҳамият касб этибгина қолмай, балки асосан кутилаётган муайян иқтисодий самарага эга амалий аҳамият ҳам касб этади.

Муаммо ва мавзуни танлаш қийин ва масъулиятли ишдир, у бир неча босқичда ўз ечимини топади.

**Биринчи босқичда,** муаммовий вазиятдан келиб чиқиб, муаммо ифода этилади ва кутилаётган натижа умумий тарзда белгиланади.

**Иккинчи босқичда,** муаммонинг долзарблиги, унинг фан ва техника учун аҳамияти аниқланади.

**Учинчи босқичда** муаммо тузилмаси ишлаб чиқилади – тема, кичик темалар, саволлар ва улар ўртасидаги боғлиқлик фарқланади.

Натижада муаммо дарахти шаклланади. Кейинчалик, муаммолар асослангандан, унинг тузилмалари ишлаб чиқилгандан сўнг илмий ходим (ёки жамоа) қоидага кўра илмий-тадқиқот мавзуини мустақил тарзда танлайди. Кўпинча мавзуни танлаш тадқиқотни олиб боришдан кўра мураккаброкдир.

#### **Илмий тадқиқот мавзунга бир қатор талаблар қўйилади:**

1. Мавзу долзарб бўлиши, ҳозирги пайтда ҳал этишни талаб қилиши зарур. Фундаментал тадқиқотлар билан боғлиқ мавзулар долзарблик даражасини белгилаш учун ҳозирча тегишли мезонлар йўқ. Шунинг учун, мазкур ҳолда долзарбликни йирик олим ёки илмий жамоа белгилайди. Мавзунинг амалий тавсифига келсак, уларнинг долзарблиги, қоидага кўра ишлаб чиқариш муайян тармоғининг ривожланиш ва иқтисодий самарадорлик талабларига кўра белгиланади.

2. Мавзу янги илмий масалани ҳал этиши ва илмий янгилик тавсифига эга бўлиши керак.

3. Илмий мавзуга қўйиладиган муҳим талаблар бўлиб иқтисодий самарадорлик ва аҳамиятлилик ҳисобланади. Амалий тадқиқотлар билан боғлиқ мавзулар танлаш босқичида тахминий белгиланадиган иқтисодий самара бериши лозим. Фундаментал тавсифдаги мавзуни танлашда иқтисодий самарадорлик мезони аҳамиятлилик мезонига ўз ўрнини бўшатиб беради.

4. Мавзу илмий йўналишига мос бўлиши керак. Бу илмий жамоа малакаси ва ваколатидан энг тўлиқ равишда фойдаланишга имкон беради. Натижада ишланманинг назарий даражаси, сифати ва иқтисодий самараси ошади, тадқиқотнинг бажарилиш муддати қисқаради.

5. Жорий этилиш мавзунинг муҳим тавсифи бўлиб ҳисобланади. Мавзуни ишлаб чиқувчилар уни режадаги муддатда тугатилиш имкониятини белгилашлари ва буюртмачининг ишлаб чиқариш шароитларига жорий этилишини аниқлашлари керак. Улар тегишли ишлаб чиқаришни, унинг ҳозирги вақтдаги ва келгусидаги талабларини яхши билишлари лозим.

Мавзуни танлаш мамлакат ва хорижий адабиёт манбаларини, яъни ҳал қилинаётган масалага бағишланган. Диққат билан ўрганиб чиқиш билан қўшиб олиб борилади. Бу велосипедни қайта кашф этмаслик учун, шунингдек замонавий илмий-тадқиқотлар йўналишини аниқлаш учун зарур.

Кейинги йилларда мавзуни танлашда эксперимент баҳолаш усули кенгқўлланилмоқда. Бунинг маъноси шундаки, режалаштирилаётган мавзумутахассис-экспертлар томонидан баҳоланади. Ҳар бир эксперт мавзуларгақўйиладиган тегишли талабларни балларда баҳолайди (юқорида қаранг). Энгюқори балл усули оддий ҳисобланади – бунда энг кўп балл тўплаган мавзумақбул ҳисобланади.

### **Клиник тадқиқот**

Клиник тадқиқот — инсонлар иштирокида ўтказиладиган илмий тадқиқот иши бўлиб, тадқиқотнинг мақсади янги дори воситасининг самарадорлигини ва хавфсизлигини баҳолашдир;

Ундан ташқари қўлланилаётган дори воситасини қўллаш учун кўрсатмалар доирасини кенгайтириш учун ҳам қўлланилади;

Ҳозирги кунларда дори воситаларидан ташқари инвазив ва ноинвазив ташхисот ёки даволаш муолажаларини ҳам самарадорлиги ва хавфсизлигини клиник тадқиқотларда ўрганилмоқда.

#### **Клиник тадқиқот турлари:**

Бу тасниф АҚШ Миллий саломатлик институти томонидан ишлаб чиқилган (the U.S. National Institutes of Health (NIH) ва 6 турдаги клиник тадқиқотларга ажратилган:

**1. Профилактик тадқиқотлар** (prevention trials) – касалликларни олдини олиш ёки касаллик рецидивини олдини учун ўтказилади. Бундай тадқиқотда дори воситаси, вакцина, витаминлар, минераллар, ҳаёт тарзини ўзгартириш ўрганилади;

**2. Скрининг тадқиқотлар** (screening trials) – касаллик ёки ҳолатларни энг яхши ва эрта аниқлаш усуллари ўрганилади;

**3. Диагностик тадқиқотлар** (diagnostic trials) – аниқ бир касаллик ёки ҳолатни ташхислаш имкони берувчи ташхисот усули ўрганилади;

**4. Терапевтик тадқиқотлар** (treatment trials) – бирор касалликни даволашда қўлланиладиган дори воситалари ёки муолажалар (жаррохлик, нур терапия ва бошқ.) самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилади;

**5. Ҳаёт сифатини ўрганувчи тадқиқотлар** (quality of life trials) – сурункали касалликлар билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш усуллари ўрганади;

**6. Кенгайтирилган қамраб олиш дастури** (compassionate use trials ёки expanded access) – тадқиқот гуруҳига бирор касаллиги сабабли киритилмаган беморларда дори воситасини қўллаш назарда тутилган.



### Ҳолат ҳақида хабар

- Cliniccase – клиник ҳолат шарҳи;
- Масалан: Фарғона вилоятидан келган 6 яшар бола “Ўт йўллари кистаси” ташҳиси билан операция қилинди. Операция вақтида ўт пуффаги очиб кўрилганида *F. hepatica* паразитлари топилди. Бу беморга “Фасциоллэз” ташҳиси қўйилди;
- 1 тагина ҳолат, аммо бу ҳолат шарҳи Фарғона вилоятида фасциоллэз касаллиги борлигини кўрсатади.

### Бир неча ҳолатлар (Серии случаев)

- Маълум бир касалликка чалинган 10 ва ундан кўп беморларда касаллик ўрганилади.
- Масалан: 1981 йил июн ойидан 1983 йил феврал ойигача СДС ходимлари АҚШдаги истиқомат қилувчи 1000 нафар ОИВ инфицирланган шахсларда касалликни ўргандилар;
- Бу шахсларда касаллик белгилари ташҳисот мезонларига тўғри келди. Шунингдек бу шахсларнинг демографик ва ўзини тутиш (поведенческие) жихатлари ҳам ёритилди;
- Асоратлардан: пневмоцистали пневмония - 50% беморларда, Капоши саркомаси —28% беморларда аниқланди;
- Текширилганларнинг 94% - гомо- ёки бисексуал эркеклар, наркотик моддаларни в/и қабул қилувчилар, Гаити аҳолиси, гемофилия билан касалланганлар ташкил этди.

### Бир лағзали (Одномоментные (поперечные))

- Бир лағзали тадқиқот тури энг кўп қўлланиладиган эпидемиологик тадқиқот туридир;

- Бу тадқиқот турида аҳоли орасида қайсидир касалликни айни вақтда тарқалганлиги баҳоланади;
- Масалан: 2018 йил октябр ойида 123-мактабда 1-5 синф ўқувчиларида ичак паразитар касалликларини аниқлаш мақсадида текширув ўтказилди.
- Текширув натижаларига кўра: 1-синф ўқувчиларининг 45%, 2-синф ўқувчиларининг 47%, 3-синф ўқувчиларининг 41,5%, 4-синф ўқувчиларининг 34,2%, 5-синф ўқувчиларининг 28,5% ичак паразитозлари аниқланди.

### Ҳолат-назорат (Случай-контроль)

- Шаклланган ҳолат бўйича фарқ қилувчи иккита тадқиқот гуруҳи таъсир этувчи хавф омиллига боғлиқ тарзда ўрганилади;
- Гуруҳларда касаллик ёки ҳолат шаклланиб бўлган ёки йўқ;
- Тадқиқот орқага қараб (ретроспектив) олиб борилади;
- Тадқиқотнинг мақсади хавф омиллини аниқлаш;
- Иккита гуруҳ қиёсланади касаллик келиб чиққанлар (ҳолат), касаллик аниқланмаганлар (назорат);




- Масалан: эстрогенларни узок вақт қабул қилиш эндометрий ўсма касаллиги ривожланиши олиб келиши мумкинлигини аниқлаш учун тадқиқот ўтказилган;
- Асосий гуруҳни эндометрийда ўсма касаллиги бор аёллар ташкил қилди;
- Назорат гуруҳини шу клиника атрофида яшовчи эндометрийда ўсма касаллиги йўқ аёллар ташкил қилди;

- Аниқландики, ҳақиқатдан ҳам эндометрида ўсма касаллиги аниқланган аёллар назорат гуруҳидаги аёлларга қараганда узокроқ муддат эстрогенларни қабул қилганлар

### Когорт (Когортные) текшируви

- Когорт текширувлар касаллик келиб чиқишида муҳим бўлган хавф омилларни аниқлашда қўлланилади;
- 2 та ўхшаш белгиларга эга гуруҳда (кузатилувчилар сони кўп бўлиши керак) тадқиқот узок вақт ўтказилади ва кузатилади;
- «Хавф омили таъсирига учраган бўлсалар касалликка чалинадиларми?» деган саволга жавоб беради.



- Мисол: 1950 йилда ўтказилган клиник тадқиқотда муаллифлар чекиш ўпка раки келтириб чиқаради деган маълумотни берганлар;
- Улар когорт илмий тадқиқоти ўтказиб, бир неча йил давомида 50000 нафар чекувчи ва 50000 минг нафар чекмайдиган инсонларни кузатдилар;
- Шу нарса аниқландики, чекувчилар гуруҳида ўпка раки 100 нафар одамда ривожланган, чекмайдиганлар гуруҳида эса 20 нафар одамда ўпка раки ривожланган.
- Муаллифлар ўпка раки чекувчи инсонларда чекмайдиган инсонларга қараганда 5 марта кўп бўлади деган хулосага келганлар

### Рандомизацияланган назорат қилинувчи тадқиқот

- Даволаш ва ташхисот усулини текширишнинг «олтин стандарти» ҳисобланади;

- Бу тадқиқот турида бирор касалликка чалинган беморлар гуруҳи тасодифий танлаш йўли билан 2 гуруҳга ажратилади: асосий (аралашув ўтказилади) ва назорат (аралашув ўтказилмайди ёки плацебо қўлланилади);
- Бундай тузулишдаги тадқиқотлар қўлланилаётган аралашув самарадорлигини аниқлашга, ёки солиштиришга ёрдам беради;
- Тадқиқот тўғри ташкиллаштирилганда систематик хатоликлар минимал даражада бўлади.





#### Рандомизацияланган тадқиқотда ниқоблаш турлари


- Очiq клиник тадқиқот – бунда бемор ҳам, врач ҳам қандай дори воситаси берилаётгани ва фаол дори қабул қилаётганлигини билади.



- Оддий ниқобланган клиник тадқиқот – бунда беморлар фаол дори воситаси қабул қилаётганини билмайди, яъни тадқиқотнинг асосий гуруҳида ёки назорат гуруҳдалигини билмайди;



- Икки марта ниқобланган клиник тадқиқот – бунда беморлар ҳам, даволовчи врачлар ҳам фаол дори воситаси қабул қилаётганини билмайди, яъни тадқиқотнинг асосий гуруҳида ёки назорат гуруҳдалигини билмайдилар;



#### **Маълумотга эга розилик**

- Бемор ёки соғлом кўнгилли инсон клиник тадқиқотда иштирок этиши учун мустақил қарор қабул қилиб розилигини билдириши керак;



- Тадқиқот ўтказувчи бемор ёки соғлом кўнгилли инсонга клиник тадқиқот тўғрисида маълумот беради, синовга кетадиган вақт, синовда қўлланиладиган дори воситасининг фойдаси ва зарари, юзага келиши мумкин бўлган ножўя таъсирлари тўғрисида тўлиқ маълумот беради;
- Шунинг учун бундай розилик маълумотга эга розилик деб аталади;
- Юқорида айтилган маълумотлар қоғозга ҳам тушурилган бўлади, ушбу маълумотни бемор ёки кўнгилли яна бир бор ўқиб чиқиб ўз имзосини қўяди;
- Тадқиқот иштирокчиси ўзи истаган вақтда клиник тадқиқотдан чиқиб кетиши мумкин.

### **Клиник тадқиқот босқичлари**

**Клиникагача бўлган босқич** – клиникагача бўлган босқич *in vitro* (пробиркаларда лаборатор тадқиқотлар) ва *in vivo* (лаборатор хайвонлардаги тадқиқотлар) тадқиқотларини ўз ичига олади. Бу босқичларда текширилаётган модданинг бирламчи фармакологик хусусиятлари, токсиклиги, фармакокинетикаси ва матаболизми ўрганилади. Фармацевтик компаниялар клиникагача бўлган босқичда дори воситасини синовини кейинги босқичда давом эттириш имкониятини ўрганадилар. Бу босқичда дори воситасининг етарлича хавфсизлиги ва маълум ҳолатни даволашда қўллаш мумкинлиги аниқланса, синовни кейинги босқичига рухсат берилади (инсонларда клиник тадқиқот).

Бирор бир дори воситасини амалиётга киритишдан олдин кетма-кет келувчи 4 босқичли клиник синовдан ўтказиш керак. Хар бир босқич – алоҳида клиник синовдир. Клиник синовларнинг биринчи 3 та босқичидан ўтган дори воситасига рўйхатга олиш гувоҳномаси берилади. Клиник синовнинг IV босқичи — рўйхатдан ўтгандан кейинги клиник синов босқичи ҳисобланади.

#### **I босқич**

- Клиник синовнинг I босқичида одатда 20-100 нафар соғлом кўнгиллилар қатнашадилар;
- Агар жудаям токсик дори воситаси синовдан ўтказилаётган бўлса (онкологик касалликлар ва ОИВга қарши д.в.), соғлом кўнгиллиларга қўллаш этика масалаларига тўғри келмайди. Бундай ҳолларда д.в. шу касалликка чалинган инсонларда ўтказилади;
- Синовнинг I босқичи ихтисослаштирилган муассасаларда ўтказилади, сабаби зарур текширув усуллари, жихозлар ва ўқитилган ходимлар бўлиши талаб этилади;
- Бу босқич очиқ ёки рандомизацияланган яширин клиник тадқиқот сифатида амалга оширилади;

- Синовнинг мақсади – дори воситасининг ича олиши (переносимость), фармакокинетик ва фармакодинамик параметрларини аниқлашди;
- Баъзан бирламчи хавфсизлиги тўғрисида ҳам маълумот олиш мумкин;
- I босқичда қуйидаги кўрсаткичлар ҳам ўрганилади: абсорбция, тақсимланиш, метаболизм, экскреция, шунингдек қўллаш шакли ва хавфсиз доза миқдори.
- Бу босқич бир неча ҳафтадан 1 йилгача давом этади;
- Синовда иштирок этганларга пул тўланади.

## **II босқич**

- II босқич 100-500 нафар беморда ўтказилади (қатъий танлов мезонларига асосан танлаб олинади);
- Клиник тадқиқот дизайни назорат қилинувчи рандомизацияланган клиник тадқиқот кўринишида олиб борилади;
- Бу босқичда дори воситасини аниқ бир кўрсатма учун хавфсизлиги ва самарадорлиги баҳоланади;
- Бу босқичнинг асосий мақсади – дори воситасини қабул қилиш схемаси ва дозасини белгилашдир;
- Бу босқичда қўлланиладиган доза I босқичдаги дозадан камроқ бўлади;
- Айрим вақтларда II босқич ПА ва ПВ босқичга бўлинади.
- ПА босқич — босқичда аниқ касаллик ёки синдром мавжуд танлаб олинган беморларда д.в. хавфсизлиги баҳоланади;
- ПВ босқич — аниқ бошқариладиган босқич бўлиб, конкрет бир касалликда самарадорлиги ва хавфсизлиги аниқланади.
- Айнан шу касаллик учун оптимал доза миқдорини аниқлаш бу босқичнинг асосий мақсадидир;
- II босқичнинг асосий талабларидан бири – қиёсий гуруҳнинг мавжуд бўлишидир;
- Иккала гуруҳдаги беморлар сони, ёши, жинси ва олдин олган даволаш муолажалари бўйича ўхшаш бўлиши керак;
- Бу босқичда д.в.нинг самарадорлиги ва ича олиши (переносимость) плацебо ёки бошқа фаол д.в. билан солиштирилади.

## **III босқич**

- Синовнинг III босқичи — назорат қилинувчи рандомизацияланган мультимарказлашган тадқиқот бўлиб, 300—3000 ва ундан ҳам кўп беморлар иштирок этади;
- Бу босқичнинг мақсади д.в. II босқичда аниқланган хавфсизлигини ва самарадорлигини тасдиқлаш, аниқ бир касаллик учун кўрсатма ва миқдорни белгилашдир;

- III босқичда дори воситасининг қўллашда унинг самарадорлигини дозага боғлиқлигини ҳам ўрганиш мумкин, ёки бошқа д.в. комбинациясида самарадорлиги баҳоланади.
- III босқичда д.в.нинг самарадорлиги ва хавфсизлиги баҳоланганидан сўнг фарм. компания д.в.нинг рўйхатга олиш хужжатини тайёрлайди.
- Бу хужжатда д.в.нинг клиникагача ва клиник синов ўтказиш методологияси, натижалари ёритилади, ишлаб чиқариш хусусиятлари, таркиби, сақлаш муддати ёзилади;
- Рўйхатга олиш хужжати шундан сўнг юқори турувчи ташкилотларга тақдим этилади;
- Синовдан ўтган д.в. қуйидаги хоссаларга эга бўлиши керак:
  - Ўхшаш таъсирга эга бўлган бошқа д.в.дан самаралироқ;
  - Ўхшаш таъсирга эга бўлган д.в.га нисбатан ичиш яхшироқ;
  - Иқтисодий жиҳатидан фойдалироқ;
  - Чиқарилиш шакли ва қўллаш қулай;
  - Бошқа д.в.лари билан қўллаганда токсиклиги ошмайди;
- Клиник синовдан ўтган д.в.ларнинг қанчаси сотувга рухсат берилиши шу давлатнинг рўйхатга олувчи муассасасига боғлиқ;
- Энг қаттиқ назорат АҚШда бўлиб, FDA клиник синовдан ўтган д.в.ларнинг 25–30% сотувга чиқаришга рухсат беради.

#### **IV босқич**

- IV босқичда рўйхатдан ўтган дори воситаси клиник синовдан ўтказилади;
- Бу тадқиқот д.в.нинг қўлланилишини оптималлаштиришга қаратилган;
- Бу тадқиқотни ўтказишни бошқарувчи орган ёки хомий фирма талаб қилиши мумкин;
- Синовнинг мақсади д.в. учун янги бозорларни забт этиш (бошқа давлатларда);
- Ундан ташқари яна бир муҳим мақсад – д.в.нинг хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича кўпроқ маълумот тўплашдир (кўпроқ беморларда ва узокроқ муддатларда).
- IV босқичда д.в.нинг бошқа д.в.лари ва озиқ-овқат махсулотлари билан ўзаро таъсири, даволаш давомийлиги ва самарадорлиги ўртасида боғлиқлик, турли ёшдаги беморларда самараси, узок муддатли натижалар (отдалённые результаты) – ўлим кўрсаткичини пасайтириш даражаси баҳоланади;
- Агар бу босқичда айрим беморларда д.в.нинг кам учрайдиган аммо оғир бўлган ножўя таъсирлари аниқланса, д.в. сотувдан олиб ташланиши ёки қўллаш доираси кескин торайтирилиши мумкин.

#### **Назорат саволлари:**

1. Илмий тадқиқотлар тушунчаси, мақсади ва вазифалари.

2. Илмий йўналиш, муаммо ва вазифа тушунчалари.
3. Илмий тадқиқот ўтказиш босқичлари.
4. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш тартиби.
5. Тадқиқот дастури ва режасини тузиш тартиби.
6. Тадқиқот материалларини йиғиш тартиби.
7. Статистик материални йиғиш, гуруҳлаш ва жамлаш.
8. Олинган статистик материалларни қайта ишлаш ва жамлаш.
9. Тадқиқотларни статистик таҳлил этиш тартиби.
10. Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш.
11. Клиник тадқиқот босқичлари.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Материалы семинара «Комплекс научно-исследовательских инструментов». Узбекистан, г. Ташкент 23 – 27 апреля 2018 г. CDC маълумотлари;
2. Жамалиева Л.М. Дизайн исследований. Отдел непрерывного профессионального развития и доказательной медицины;
3. Рахматов А.Д., Юнусов Р.Ф. Илмий тадқиқот асослари. Тошкент – 2008.
4. Маматкулов Б.М., ЛаМорт, Н.Рахманова. Клиническая эпидемиология. Основы доказательной медицины, Т., 2011. (АҚШ, Бостон Университети билан ҳамкорликда). 231 б.
5. [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com) маълумотлари;

#### **2 – мавзу: Илмий мақолаларни Scopus базасида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга тайёрлаш ва чоп этиш.**

##### **Режа:**

1. Scopus ва Web of Science электрон базалари тўғрисида маълумот.
2. Scopus ва Web of Science электрон базаларида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга илмий мақола тайёрлаш ва чоп этиш қоидалари.
3. Илмий ўлчов бирликлари тўғрисида маълумот: Impact factor, Cite Score, Хирш индекси.

#### **Scopus ва Web of Science электронбазалари**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 мартдаги «Халқаро ривожлантириш ассоциацияси иштирокидаги олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Нидерландиянинг Elsevier компанияси билан ҳамкорликда «Илм-фан – 2020» миллий ривожланиш дастурини ишлаб чиқди.

«Илм-фан – 2020» дастури Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолияти

самарадорлигини ошириш, жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини янада кенгайтиришга йўл очади.

Elsevier компанияси фан, таълим ва тиббиёт соҳасида инновацион ечимлар ва маҳсулотларни таклиф этувчи жаҳондаги энг йирик нашриётлардан бири ҳисобланади. Elsevier — дунёдаги йирик 4 та нашриёт уйларида бири ҳисобланади. Хар йили дунё бўйича чоп этиладиган мақолаларнинг 25% чоп этилади. 1880 йили Амстердамда асос солинган, Буюк Британия, Бразилия, АҚШ ва бошқа давлатларда филиаллари бор.

Миллий ривожланиш дастури доирасида юртимиздаги илмий журналларни Scopus ва ScienceDirect халқаро илмий маълумотлар базаси тизимига киритиш, ёш олим ҳамда докторантларга мақолалар тайёрлаш ва уларни нуфузли нашрларда чоп этишида кўмаклашиш кўзда тутилган.

### **Web of Science**

- **Web of Science (WoS)** — «Илм-фан тўри».
- WoS — қидирув интернет-платформаси бўлиб, илмий журналларда чоп этилган мақолаларнинг рефератив маълумотлар базасини ўзида жамлаган.
- Web of Science – табиий, техника, гуманитар, санъат ва жамият соҳалари фанлари бўйича материалларни қамраб олган.
- Платформа библиографик маълумотларни қидириш, таҳлил қилиш ва бошқариш имкониятларига эга.

### **Scopus**

- «**Scopus**» — бу библиографик ва рефератив маълумотлар базаси, шунингдек, илмий журналларда чоп этилган мақолаларга қилинган ҳаволаларни ҳисоблаш имконини берувчи платформадир;
- Техника, тиббиёт ва гуманитар соҳа фанлари бўйича 24000 та илмий нашрларни ўз ичига олади, бу нашрлар 5000 та нашриётларга тегишлидир.
- Маълумотлар базаси илмий журналлар, конференция материалларини ва айрим китобларни ҳам индексациядан ўтказди.
- Scopus яратувчиси ва эгаси Elsevier нашриёт корпорациясидир.

- <http://www.scopus.com>


### Web of science va Scopus фарқли жихатлари



### Web of science va Scopus фарқли жихатлари



Scopus



**Scopus va Web of Science электрон базаларида рецензиядан ўтувчи илмий журналларга илмий мақола тайёрлаш ва чоп этиш қоидалари.**

#### **Мақолалар тузулиши (таркиби)**

- Титул варағи (Title)
- Аннотация (Abstract)
- Кириш қисми (Introduction)
- Материал ва усуллар (Material and methods)
- Натижалар (Results)
- Муҳокама (Discussion)
- Ташаккурнома (Acknowledgment)
- Қизиқишлар қарама-қаршилиги
- Фойдаланилган адабиётлар (References)

#### **Титул варағи (Title)**

- Мақоланинг номи ёзилади – тушунарли ва осон ўқиладиган бўлиши керак (иложи борича қисқартмаларни ишлатманг);
- Муаллифлар исм-шарифлари ва иш жойлари кўрсатилади;
- Масъул муаллифнинг мулоқат учун маълумотлари (электрон почта, телефон ва бошқ.);
- Мақола матнидаги ва аннотациядаги сўзлар сони;
- График тасвирлар ва жадваллар сони;
- Хар бир журнал талабидан келиб чиқиб бошқа маълумотлар бўлиши мумкин.

### **Аннотация қисми (Abstract)**

- Одатда аннотация 200 – 300 сўздан ошмайди;
- Аннотациянинг шаклини хар бир журнал ўзи белгилайди;
- Энг кенг қўлланиладиган кўриниш қуйидагича:
  - Қисқача кириш – муаммо долзарблиги, мақсад;
  - Материал ва усуллар – тадқиқот объекти ва тадқиқотда қўлланилган усуллар;
  - Натижалар – асосий олинган натижалар;
  - Хулоса – мухим ва янги бўлиши керак.
- Нима текширилди, нима аниқланди ва қандай хулоса келиб чиқди? Бу нима учун мухим?

### **Кириш қисми (Introduction)**

- Мақсади: сизни тадқиқотингиз янги ва фойдали маълумот беришига ўқувчини ишонтириш.
- Муаммо мухимлигини, унинг кўламини ва хусусиятини ёритиб бериш;
- Қисқача ўрганилаётган муаммо тарихи ва айни вақтдаги ҳолати;
- Охирги гапда тадқиқот мақсади ёзилади;
- Илгари ўтқазилган тадқиқотларга хавола берилади;
- “Адабиётлар шарҳи” қилиш шарт эмас.
- Муаммо нимада? Ниму учун у мухим? Тадқиқотнинг мақсади нима?

### **Материалваусулларқисми (Material and Methods)**

- Мақсад: маълумотларни йиғиш ва тахлил этиш жараёни ёритилади.
- Тадқиқотда иштирок этувчиларни танлаш мезонлари, таркиби берилади (популяция);
- Қандай маълумотлар йиғилди?
- Тадқиқотда қўлланилган усуллар, жихозлар ва муолажалар ёритилади;
- Материал йиғилган жой, вақти албатта кўрсатилиши керак.
- Статистик ишлов беришда қандай дастурдан фойдаланилди ва қайси кўрсаткичлар аниқланди.
- Муаммони сиз қандай ўргандингиз? Нималардан фойдаландингиз ва қандай бажардингиз?

### **Натижаларқисми (Results)**

- Мақсад: маълумотлар тахлил натижаларини тавсифлаш.



- Тадқиқотга киритилган аҳоли характеристикаси;
  - Мантиқий кетма-кетликда олинган натижалар ёритилади;
  - Жадваллар ва график тасвирлар мақолани бойитади;
  - Матн жадвал ва тасвирларингизни тўлдирсин (қайтарилмасин);
  - Тасвирлардаги ва матндаги сонлар бир хил бўлиши керак;
  - Сонли маълумотларни кўрсатиш учун жадваллар қулай;
  - Жараёни, ортиш ёки камайиш кўрсаткичларини график тасвирларда бериш керак.
- Асосий аҳамиятга эга натижаларга алоҳида урғу беринг!

### **Жадваллар**

- Албатта жадвалнинг номи бўлиши керак (жуда қисқа ҳам, узун ҳам бўлмасин);
- Устунлар ва қаторларнинг бош каттаклари ҳам номланиши керак;
- Агар жадвалнинг бирор каттакчасида натижа йўқ бўлса “-” қўйинг;
- Жадвалларда натижаларнинг статистик ишонарлилигини “р” кўрсаткичини қўйиш керак;
- Одатда жадвал пастки қисмида изоҳ берилади \* ёки ^ белги билан;
- Мақолада 2 ёки 3 та жадваллар бўлса уларнинг стили бир хил бўлиши керак.

### **Расмлар**

- Юқори аниқликка эга, профессионал ва сифатли расмларни юборинг;
- Хар бир расм ва график тасвир номланиши керак;
- Диаграммалар тушунарли ва маълумот берувчи бўлиши керак;
- Диаграммадаги сонлар ва матн аниқ, кўринимли ёзилиши керак;
- Юборишдан олдин билиш зарур журнал рангли тасвир чиқарадимми ёки оқ-қора тасвирми?
- Агар график тасвирда инсонлар юзи акс этган бўлса, улардан рухсат олиш керак ва уларнинг юзи махсус яширилиши керак.

### **Мухокамақисми (Discussion)**

- Мақсад: олинган натижаларни интерпретация қилиш ва шархлаш;
- Аҳамиятга молик бўлган натижаларни ажратиб олинг;
- Бу натижаларнинг тадқиқот мақсади билан боғлиқлигини кўрсатинг;
- Олган натижаларингизни бошқа муаллифлар натижалари билан солиштиринг (ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини);
- Олган натижаларингизни янгилик эканлиги ва муҳимлигини кўрсатинг;

- Тадқиқотингиздаги асосий чекловларни кўрсатинг;
- Хулосангизни аниқ ва тушунарли ёритинг.

### **Ташаккурнома(Acknowledgment)**

- Сизни тадқиқотингизни қўллаб-қувватлаган инсонлар ва ташкилотларга ташаккур изхор этиш мумкин:
  - Кафедра мудирини ёки ташкилот раҳбари;
  - Бирор жихоз, тест тўплами, дори воситасини олиб келишда ёрдам берган инсонлар;
  - Маҳаллий ҳокимият вакиллари (вазирлик ва бошқ.);
  - Клиника, илмий тадқиқот институти, лаборатория ёки бошқа муассасаларга.

### **Қизиқишларқарама-қаршилиги (Conflict of interests)**

- Тадқиқотингизни молиялаштириш манбасини кўрсатинг;
- Муаллифларнинг мақоладаги улуши (вазифаси);
- Қарама-қаршилик борми ёки йўқми?

### **Илмий ўлчов бирликлари**

### **ИМПАКТ-ФАКТОР**

**Импакт-фактор (IF)** – бу илмий журнал муҳимлигининг сонли кўрсаткичи бўлиб, ҳисоблашда 3 йиллик маълумот инобатга олинади:

$$IF\ 2018 = \frac{Ц}{С}$$

Ц — 2016-2017 йилларда чоп этилган мақолаларни 2018 йилда хавола (цитирование) қилинган сони (Илмий маълумот институти, АҚШ) томонидан

С — ушбу журналда 2016-2017 йилларда чоп этилган мақолалар сони

### **CITE SCORE**

**CITE SCORE** – бу илмий журнал сонли ўлчов кўрсаткичи бўлиб, ҳисоблашда 4 йиллик маълумот инобатга олинади:

$$CS2018 = \frac{Ц}{С}$$

Ц — 2015-2016-2017 йилларда чоп этилган мақолаларни 2018 йилда хавола (цитирование) қилинган сони томонидан

С — ушбу журналда 2015-2016-2017 йилларда чоп этилган мақолалар сони

## ХИРШ ИНДЕКСИ

Хирш индекси (H-index) – олимнинг махсулот беришининг миқдорий характеристикаси, ҳисоблашда олимнинг мақолалар сони ва мақолаларининг хавола қилинган сони инобатга олинади:

**$h$  индексли олим  $h$  миқдорда мақола чоп этган, бу мақолаларнинг ҳар бирига  $h$  марта хавола қилинган**

## И.И.Ивановда жами 100 та мақола бор

- 1 мақолага – 9 та хавола
- 2 мақолага – 8 та хавола
- 3 мақолага – 7 та хавола
- 4 мақолага – 6 та хавола
- 5 мақолага – 5 та хавола
- 6 мақолага – 4 та хавола
- 7 мақолага – 3 та хавола
- 8 мақолага – 2 та хавола
- 9 мақолага – 1 та хавола

И.И.Ивановнинг  
 **$h$ -индекси**  
**5**

### Назорат саволлари:

1. «Илм-фан – 2020» дастури тўғрисида маълумот беринг?
2. Scopus қандай платформа ҳисобланади?
3. Web of Science қандай платформа ҳисобланади?
4. Импакт-факторнима дегани?
5. CITE SCORE нима дегани?
6. Мақолалар тузулиши (таркиби) қандай қисмлардан иборат?

7. Web of science va Scopus фарқли жихатлари?
8. Қандай илмий ўлчов бирликларини биласиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Материалы семинара «Комплекс научно-исследовательских инструментов». Узбекистан, г. Ташкент 23 – 27 апреля 2018 г. CDC маълумотлари;
2. Жамалиева Л.М. Дизайн исследований. Отдел непрерывного профессионального развития и доказательной медицины;
3. [www.elsevier.com](http://www.elsevier.com) маълумотлари;
4. [www.scopus.com](http://www.scopus.com) маълумотлари;

## IV. АМАЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-амалий машғулот: Илмий тадқиқотни ўтказишни режалаштириш ва унинг босқичлари.**

**Режа:**

1. Тадқиқот ишини режалаштириш. Фаразни илгари сурилиши ва ифодаланиши.

2. Тадқиқот мақсадининг белгиланиши ва вазифаларининг кўйилиши. тадқиқот услубларининг танланиши

**Тадқиқот ишини режалаштириш. Фаразни илгари сурилиши ва ифодаланиши**

**«Фараз» тушунчаси мазмуни**

Биз муаммога дуч келишимиз ҳамон миямиз уни ҳал қилиш усулларини куришга – ФАРАЗЛАРНИ КАШФ ҚИЛИШГА киришади.

**Фараз (гипотеза)** (қадимги грек тилидан - асос, тахмин) — олдиндан ўрганилган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мажмуига асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.

**Тадқиқот фарази** – бу бевосита кузатилаётган ҳодиса, ўрганилаётган ҳодисанинг тузилиши ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар хусусияти ҳақидаги илмий асосланган тахминдир. Фаразлар мавжуд фактлар асосида ишлаб чиқилади.

**Хулоса сифатидаги фараз** объектив воқеликда ўз илдизларига эга бўлади, фикрнинг бевосита кузатилаётган ҳодисалардан уларнинг сабабли изоҳланишигача бўлган ҳаракати ҳисобланади.

**Фаразнинг табақалаштирувчи белгилари**

➤ фаразнинг уни яратиш учун асос бўлган ва асосланиши учун яратилган фактларга мувофиқлиги

➤ текширилувчанлиги

➤ имкони борича кенгроқ ҳодисалар доирасига нисбатан нисбатберилиши мумкинлиги

➤ нисбатан соддалиги

➤ мазмунида муаммони ҳал этиш усуллари ва натижалари ҳақидаги тахминнинг мавжудлиги

➤ мантиқан зид келмаслиги

➤ натижага йўналтирилганлиги

*Фаразлар тушунчаларнинг назарий талқин этилишини такрорловчи иерархик тизимларни ҳосил қилади*

Фаразнинг ифодаланиши – тадқиқотнинг назарий тайёрланишининг яқунловчи қисми.

Диссертациянинг назарий бўлимини муайян базавий фараз негизида курилиши мумкин бўлиб, у мантиқий далиллаш, обрўли муаллифларга

таяниш, амалиётга ва масала тарихига мурожаат этиш йўли билан асосланади.

➤ Агар тадқиқотчи фаразларни ифодалаган бўлса, унда эмпирик маълумотлар уларни текшириш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун хизмат қилади.

Агар аввал-бошидан фаразлар илгари сурилмаган бўлса, унда тадқиқотнинг илмий даражаси кескин пасаяди, унинг натижалари ва умумлашмалари эса у ёки бошқа индикаторларнинг фоизли ифодалари баёнлари ва анча жўн тавсиялардан иборат бўлиб қолади.

#### ***Фаразларни илгари суриш қоидалари***

➤ Фараз ўзи тегишли бўлган барча фактлар билан келишган бўлиши ёки, ҳеч бўлмаганда, уларга мувофиқ бўлиши керак.

➤ Фактлар туркумини изоҳлаш учун илгари сурилган кўплаб бир-бирига зид бўлган фаразлар ичида шу фактларнинг энг кўпини бир хилда изоҳлайдигани мақбулроқдир.

➤ Фактларнинг боғланган туркумини изоҳлаш учун имкони борича камроқ фаразларни илгари суриш керак ва улар имкони борича маҳкамроқ боғланган бўлиши керак.

➤ Фаразларни илгари суришда унинг хулосаларининг эҳтимоллитусини идрок этиш зарур.

➤ Бир-бирига зид келадиган фаразларга асосланиб иш қилиш мумкинэмас.

#### **Фаразларни қуришнинг процессуал тузилмаси**

➤ Ушбу фактлар доирасини изоҳловчи сабаб ҳақидаги тахмин тузилади

➤ Йўл қўйилган сабабдан оқибатлар ажратилади ва тажрибадаги маълумотлар билан қиёсланади

➤ Унинг фаразнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишига олиб борадиган барча қоидалари астойдил текширилади:

- тасдиқлаш учун унинг эмпирик маълумотларнинг имкони борича кўпроғи билан келишуви талаб қилинади;

- инкор қилиш учун тажрибага мос тушмаган бир фактнинг ўзи етарли.

**Тадқиқот мақсадининг белгиланиши ва вазифаларининг қўйилиши. тадқиқот услубларининг танланиши**

#### **«Тадқиқот мақсади» тушунчасининг мазмуни**

Диссертация мавзуи тадқиқот ўзагини ташкил қилувчи ва янгилик, оригиналликнинг муҳим белгиларига эга масалалар доирасига чиқиб олишни таъминлайди.

**Тадқиқот мақсади** бу тадқиқотчи ўз ишини яқунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир.

Муаммо ечими магистрант ишининг мақсади сифатида кўрибчиқилади.

Мақсад тадқиқотнинг характери, бориши ва вазифаларини белгиловчи ўзига хос охириги сабабдир.

Шу асосда иш тузилишининг аниқ мақсадга бўйсундирилиши керак бўлган мантикийлиги келиб чиқади.

#### **«Тадқиқот вазифалари» тушунчаси мазмуни**

Тадқиқот вазифалари бу илгари сурилган фаразга мувофиқ мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир.

**Вазифаларнинг қўйилиши** тадқиқот мақсадининг кичик мақсадларга бўлинишига асосланади. Вазифаларнинг санаб ўтилиши унчалик мураккаб бўлмаган вазифалардан энг мураккаб, кўпроқ меҳнат талаб қиладиган вазифаларга томон юриш тамойили бўйича курилади, уларнинг сони эса тадқиқотнинг теранлиги билан белгиланади.

#### **Илмий тадқиқотнинг типик вазифалари**

- тадқиқ қилинаётган ҳодисани баён қилиш
- сабаблар ва шартларни аниқлаш
- сабабларни изоҳлаш
- тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг таснифини куриш
- қонуниятни аниқлаш ва асослаш
- мазмунни тушуниш ва изоҳлаш
- аниқланган, баён қилинган ва изоҳланган ҳодиса учун номериш (яъни янги атамани илмий муомалага киритиш).

#### **Диссертация тадқиқоти вазифалариқўйилишининг процессуал тузилмаси**

**Аниқ илмий ёки техник вазифани ҳал этишга эҳтиёжнинганиқланиши.** Мавжуд вазиятдаги ҳолатни қандай ўзгартиришнибилмаган, бунга ҳеч ким ёрдам бера олмайдиган ҳолда униўзгартириш юзасидан кучли хоҳиш-истак пайдо бўлишидаифодаланади (маълум технологиялар хоҳлаган самарага эришишгаимкон бермайдиган ҳолда техник ёки маъмурий зиддият даражасида эмпирик факт ёки таъсир кўрсатиш натижасини башорат қилишниизоҳлаш зарур бўлганида эҳтиёж пайдо бўлади).

**Илмий тадқиқотни ўтказишга эҳтиёжнинг белгиланиши.** Агар илмий тадқиқот маълум ва ҳамма томонидан қилиниши мумкин бўлса, унда бундай тадқиқотни ўтказиш талаб этилмайди. Марказий илмий, кўпинча илмий-оммавий нашрлар бўйича батафсил таҳлил ўтказилганидан кейин ва шунга ўхшаш ечимлар топилмаганида олим оригинал ечимни топиш учун тўлиқ илмий тадқиқотни ўтказиш бўйича режа тузиши керак бўлади.

#### **Илмий тадқиқот мақсадларининг белгиланиши ва жой- жойига қўйилиши.**

Мақсад — эҳтиёж маҳсули. Аниқ ифодаланган эҳтиёж кўпинча мақсадни белгилайди. Илмий тадқиқотни ўтказишда асосий мақсад шу асосий мақсаддан келиб чиқадиган, жами бўлиб илмий-техник ишга сингиб кетадиган кичик мақсадларга бўлиниб кетади. Уларни ўз

ўринларига тўғри жойлаштириш зарур, шунда мақсадларнинг жой-жойига тушиши ва илмий изланишдаги муайян изчиллик ҳосил бўлади.

**Диссертациянинг предметли соҳасининг бир тизимгасолиниши.** Бир тизимлилик — илмийликнинг муҳим белгиларидан бири. Билимнинг илмий тизимга солиниши тўлиқликка интилиш, бир тизимга солишликнинг асослари ва уларнинг зиддиятли эмаслиги ҳақидаги аниқ тасаввур билан тавсифланади. Бир тизимлиликтадқиқот предмети ва объектини таснифлаш маҳорати орқали амалга оширилади. Таснифлаш тадқиқотни нафақат бир тизимли қилади, шубилан бирга диссертант ишлаб чиқаётган илмий нуқтани аниқ белгилайди. Таснифлашга талаблар – предметли соҳани 3 – 6 та муҳим белгиларга қараб бўлиш, равшанлик ва кўرғазмалилик, бир тизимга солинаётган предметли соҳанинг имкони борича тўлароқ қамраб олинишидир.

**Шартлар ва чеклашларнинг белгиланиши** илмий вазифани ҳал этиш имкониятлари ва реаллигини баҳолашга имкон беради. Одатда айни шу чеклашлар, шартлар, бошланғич маълумотлар ҳатто фантастик лойиҳани ҳам илмий вазифага айлантиради.

Чеклашлар қуйидагиларда бўлади:

- замонда,
- моддий,
- ахборотчилик,
- энергетик.

Бир даража пастроқ, сизнинг илмий изланишингизнинг энгчуқур мазмунигача етиб бориб, айнан сизнинг нуқтаи назарингиз, услубиётингиз, тузилма, технология, конструкциянгизни бошқаларидан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш мумкин бўлади.

Илмий тадқиқот вазифаларининг белгиланиши. Бубосқичда илмий тадқиқот вазифаларининг ифодаси берилади, улармакон ва замондаги, моддий воситалар, энергия ва ахборотлардаги айрим бошланғич маълумотлар, чеклашлар вашартлардаги тадқиқот мақсадларидан иборат бўлади. Бўлғусидиссертация пойдевори материал йиғиладиган муаммоларга мувофиқравишда қисмларга ажралади: таҳлил, назария, синов, амалиёт.

**Тадқиқот мақсадлари ва типи, янгилик элементлари асосидаги вазифалар доираси**

• Маълум ғояларнинг чуқурлаштирилиши, уларнинг фойдасига мантқиқий ва амалий тусдаги кўшимча далилларнинг келтирилиши, янги ҳаётий фактлар ёки рақибларнинг далиллари муносабати билан уларнинг ҳимоя қилиниши;

• Масаланинг ривожланган назариясининг яратилиши, унга маълум ғоялар асосида амалий тусдаги фактларнинг қўшилиши;

• Янги ғояларнинг илгари сурилиши, янги таклифларнинг ишлаб чиқирилиши, янги хулосаларнинг олиниши, янги шакллар



вақонуниятларнинг очилиши, эски хулосалар ва қоидаларнинг қайта кўрибчиқилиши, шакллар, категориялар, қонунларнингянгича талқинқилиниши;

• Янги назариялар, концепцияларнинг ифодаланиши. Адабиётларга мурожаат этиш, уларнинг танланиши, улар устидаги ишнинг мантиқийлиги ва изчиллиги муаммонинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади, сизнинг саъй-ҳаракатларингизнинг аниқлиги ва самарадорлиги эса муаммонинг қўйилишининг аниқлиги ва мантиқан тўғрилигига боғлиқ бўлади.

### ***Илмий тадқиқот мавзуни танлаш учун асослар***

**Илмий мавзу**бу ечимини талаб қиладиган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик иши мавзуи мауъян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлиши мумкин.

**Илмий йўналиш деганда**тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи тушунилади.

**Илмий муаммо**бу илмий-тадқиқотчилик иши мавзуини белгилайдиган мураккаб назарий ва (ёки) амалий вазифалар мажмуидир.

Муаммо тармоқ, тармоқлараро, глобал бўлиши мумкин.

### **Мавзулар турлари**

1. Назарий мавзуларасосан адабиётларманбаларидан фойдаланибишлаб чиқилади.

2. Амалий мавзулархўжалик амалиётиниўрганиш,умумлаштириш ватаҳлил этиш асосидаишлабчиқилади.

3. Аралаш мавзулар тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олади.

### ***Мавзуни танлашга талаблар***

Тадқиқот мавзуи қуйидагича бўлиши керак:

1. Фан ёки амалиётнинг шу йўналишига ЯНГИЛИК олиб кириши керак

2. Шу соҳа МУАММОСИНИ қўйиши керак

3. Тадқиқотнинг қайси аниқ ташкилот мисолида ўтказилганлигиниимкони борича кўрсатиши керак

Мавзуни танлаш –диссертация тадқиқоти устидаги ишнинг биринчибосқичи.

Аниқ мавзуни танлашда олдинига қуйидаги умумий масалаларниҳал қилиш керак:

- Тадқиқот қандай *тусга* эга бўлади?
- Магистрант ўз тадқиқоти *натижаларини* қай ҳолатда кўради?
- Магистрант учун *диссертациянинг қандай тип*и маъқул келади?
- *Диссертация мақсадларини қай тарзда қўйиш энг мақбулҳисобланади?*

Сизга қайси вариант кўпроқ маъқул бўлишига қараб ишни куришметодологиясини тузиш, мавзуни ва унинг ифодасини — диссертациянинг номини танлаш керак бўлади.

### ***Мавзунинг танланишини белгиловчи омиллар***

Мавзу бу тадқиқотнинг функционал йўналиши аксидир. Мавзу тадқиқотнинг қобилияти, билимлари, қизиқишларининг очилишига имкон бериши керак

#### **Тадқиқот характери:**

- 1) Назарий тадқиқот бу соф илмий, лекин кўп йиллар учун илмий изланишларнинг истиқболли ва самарали назарий-стратегик йўналишидир;
- 2) Амалий тадқиқот касбий фаолиятнинг муайян соҳасида кейинчалик муваффақиятли ишлаш учун унинг қандайдир йирик муаммосини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

#### **Диссертация иши натижаларининг характери:**

- 1) Билимнинг тегишли тармоғи учун муҳим аҳамиятга эга вазифанинг янгича ечими берилган;
- 2) Муаллиф бажарган илмий асосланган, муҳим амалий вазифалар ечимини таъминлайдиган иқтисодий ишланмалар баён қилинган

#### **Диссертация иши мақсадларига қараб тадқиқотлар типлари**

1. Умумлаштирувчи – иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида тўпланган тажрибани ўрганиш ва илғор амалиётни умумлаштириш, ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш анъаналарини аниқлаш ва турли иқтисодий жараёнларнинг илмий башоратларини илгари суриш.

*Ўзига хос хусусиятлари:* тадқиқотнинг кўп тарқалган ва мураккаб бўлмаган тури, тадқиқотнинг турли объектларидан фойдаланиб, бир мавзу доирасида кўплаб вариантлар тузиш мумкин.

2. Оммалаштирувчи характеридаги – айрим ташкилотлар (кичик тармоқлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётлар ва ҳоказо) тажрибасини бошқа ташкилотларда (кичик тармоқлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётлар ва ҳоказо) фойдаланиш имкониятларини ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш.

*Ўзига хос хусусиятлари:* сифатли бажариш шarti – амалиётни яхши билиш.

3. Новаторлик – амалиётга тегишли тавсияларни бериш мақсадида янги ёки нисбатан янги иқтисодий муаммоларнинг илмий ишлаб чиқилиши.

*Ўзига хос хусусиятлари:* қўйилган саволларга жавоблар адабиётларда йўқ,

амалиёт эса зарур тажрибани энди орттираяпти, бу тадқиқотчидан юксак назарий тайёргарлик, амалиётни яхши билиш, янги ғояларни илгари суришда жасорат талаб қилади.

4. Чуқурлаштирувчи характеридаги - аниқ ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик категориялари ва жараёнлари ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириш.

*Ўзига хос хусусиятлари:* иқтисодий категориялар ва жараёнларнинг адабиётларда етарлича тўла ёритилмаган ва амалиётда лозим даражада ривожлантирилмаган айрим жиҳатларини ишлаб чиқиш. Кўриб чиқиладиган муаммо характери ишнинг мураккаблик даражани белгилайди.

5. Назарий-методологик тусдаги – умумий назарий концепциялар, методологик муаммоларнинг ишлаб чиқилиши.

*Ўзига хос хусусиятлари:* магистрлик тадқиқоти даражасида кам оммалашган, чунки тадқиқотчи ривожланган назарий тафаккурга эга бўлиши керак.

1. Эмпирик тусдаги - муайян корхоналар, фирмалар, ташкилотларнинг муайян тажрибасининг тадқиқи, таҳлили.

*Ўзига хос хусусиятлари:* ташкилотнинг илғор тажрибаси, амалиёти марказий ўринни эгаллайди, унга бу тажрибадан миллий иқтисодиётда фойдаланиш бўйича назарий далиллар ва мулоҳазалар кўшимча қилинади.

#### **Мавзуни танлаш усуллари**

1. У ёки бошқа илмий соҳадаги ютуқлар шарҳини синчиклаб кўриб чиқиш тадқиқот мавзуини танлаш ва ифодалаш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлади.

2. Такрорлаш тамойилига (объект ҳақидаги мавжуд билимларни аниқлаштириш ва кенгайтириш, билимларни текшириш) амал қилиш илмий иш мавзуини танлаш усулининг варианти бўлиши мумкин.

3. Изланувчанлик усули тадқиқотчининг дастлабки манбалар билан танишувини, мавжуд муаммолар таҳлили асосида мавзунинг ифодаланишини назарда тутати.

4. Мавжуд тадқиқотларнинг назарий умумлаштирилиши мавзуни танлашнинг бирмунча юқори босқичидир.

5. Фанда илгари сурилган фаразлар мавзуни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

6. Мавзуни «табиий» шароитларда, ижодий мулоқот жараёнида ҳам топиш мумкин.

#### **Мавзуни танлашдаги амаллар**

1. Мавзуни танлашда ёрдам бериши лозим бўлган илмий раҳбар билан маслаҳатлашиш.

2. Ҳимоя қилинган диссертацияларнинг илмий кутубхонадаги ёки маълумотлар базасидаги каталогини қайта кўриб чиқиш (диссертация ишлари кутубхонаси).

3. Фан ва техниканинг ўхшаш, қўшни соҳаларидаги тадқиқотларнинг энг янги натижалари билан танишиш: баъзан иккита илмий фан туташган жойда мавзу чиқиб қолиши мумкин.

4. Муаммони кўриб чиқишнинг методологик ракурсини алмаштираш. Баъзан янгича нуқтаи назар бу биринчи илмий ишланма мавзусидир.

5. Ўз илмий ихтисослиги бўйича адабиётларни ўрганиш: илмий матбуотни, махсус нашрларни, Интернет сайтларини кўриб чиқиш, фан классиклари асарлари устида мушоҳада юритиш («шўнғиб кетиш» услуби).

6. Амалиётчи-мутахассислар билан суҳбатлар ва маслаҳатлашиш.

### ***Илмий иш мавзуини ифодалашни белгилувчи талаблар ва талаблар***

**Долзарблик** - Янгилик, жамият ҳаёти билан боғлиқлик, етилган зиддият.

**Аниқлик** – Типик камчиликлари: мавзунинг асоссиз кенглиги, глобал тусдаги мавзу ифодаланишида мавҳумлик. Масалан, агар «Давлат бошқаруви» мавзуи танланадиган бўлса, унда бундай мавзу илмий иш учун ярамайди, ҳаддан ортиқ мавҳум бўлади. Бирмунча торроқ мавзуни танлаган маъқулроқ.

**Муаммолилик** «Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати» мавзуи ўқув иши (реферат, курс ёки диплом иши) учун бўлиши мумкин, лекин унинг номида муаммо йўқ. Ҳатто ўқув мақсадлари учун ҳам қандайдир аниқ бир жиҳатни олган яхши: «Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати давлат бошқаруви воситаси сифатида». Бунда муаммо яққол кўриниб турибди: давлатнинг солиқларни ўзгартириш ёрдамида ижтимоий жараёнларни бошқариши қандай амалга оширилмоқда. Илмий иш учун ундан ҳам аниқроқ мавзуни танлаган маъқул: «Солиқ сиёсати ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш». Аниқланган мавзуга мувофиқ равишда аниқ-равшан ифодаланган мақсад шакллантирилади.

**Тушунчаларнинг аниқлиги** Масалан, «ривожланишнинг ўсиши», «маънонинг пасайиши», «муаммо фалсафаси», «жозибадорлик жозибаси» каби ва бошқа икки хил маъноли ва ноаниқ ифодаларни ишлатмаслик керак.

**Лўндалик** «Қорақалпоғистон Республикасида транспорт инфратузилмасининг ривожланиши ва минтақада бозор иқтисодиёти шароитида туризмни ривожлантириш истиқболлари». Бундай ном тўғри ва ишлатиш мумкин, лекин жуда узун. Уни қисқароқ ифодалаган маъқул: «Қорақалпоғистонда транспорт ва туризмнинг ривожланиши». Биринчи ном анча аниқроқ, лекин идрок этиш қийинроқ. Дарвоқе, қисқа номнинг ҳам ўз камчиликлари бўлади, уларни кейин маърузада изоҳлашга тўғри келади, шунинг учун муаллиф аниқлик ёки қисқаликни танлаши керак бўлади, яхшиси эса ҳар иккаласини ҳам ўз жойида қўллаган яхши.

### **Тадқиқот мавзуини ифодалашга талаблар**

Мавзу номида одатда қуйидагилар бўлади

- «тадқиқот бурчаги» - ишнинг йўналиши;
- тадқиқот объекти;

▪тадқиқот предмети (тадқиқот объекти ҳақидаги янги билим ва магистрантнинг ана шу билимни аниқлашга қаратилган иши бўлиб, у янги амал усулини, ҳисоб-китоб модели, тадқиқот услуги, ўрганиш ёки қуриш методологияси, концепциясини ишлаб чиқишдан иборат бўлади);

▪диссертация ишининг диссертация натижалари тусини белгилайдиганмалакавий белгиси жиҳати.

### ***Диссертация мавзуини ифодалашнинг процессуал тузилма***

#### **1. Тадқиқот объектини белгилаш**

*Тадқиқотнинг объектли соҳаси* – бу фан ва амалиётнинг тадқиқот объекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда у, масалан, математика, биология, иқтисодиётнинг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

*Тадқиқот объекти* – бу муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган нарса.

Реал оламнинг олим тадқиқот учун танлаган соҳаси тадқиқотобъекти деб аталади.

#### **2. Тадқиқот предметини белгилаш**

*Тадқиқот предмети* объектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг ичидаизланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонларитадқиқот предмети бўлиши мумкин.

Тадқиқот предметини тадқиқотчи илмий изланишлар натижасидатадқиқот объекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатидабелгилаш мумкин.

Агар тадқиқот объекти ҳақидаги янги илмий билимни олиш воситаси ҳам янгиликнинг муҳим белгиларига эга бўлса, унда ана шу восита ҳам тадқиқот предмети таркибига кириши мумкин.

Тадқиқот предмети бу магистрант тадқиқот объектига қарашучун асос қилиб оладиган нуқтаи назардир.

#### **3. Ишнинг йўналишини («тадқиқот бурчагини») белгилаш.**

Иш йўналишининг ифодасидаги «*клишелашиган*» иборалар ва сўз бирикмалари:

- «вазифа ечими, ...»
- «ишланма, ...»
- «асослаш, ...»
- «самарадорликнинг ошиши, ...»
- «такомиллаштириш, ...»
- «оптималлаштириш, ...»
- «харажатларнинг камайиши ва ҳ., ...»

#### **4. Иш номининг ифодаланиши**

Диссертация ишининг номи тадқиқотнинг объект соҳаси, объекти, предмети ва йўналиши асосида лўнда ва аниқ ифодаланади. Барчаэкспертлар ва оппонентларнинг диссертация натижаларининг тусиқандайлигини иш номига қараб билиб олишига имконият яратиш керак. Диссертация номини шунга қараб ифодалаш лозим.

Мавзу номида куйидаги сўзларни ишлатмаган маъкул: «масалалари», «муаммолари», «тадқиқ қилиниши», «ўрганилиши» ва ҳ., чунки улар пировард натижани аниқ ифодалай олмайди. Муаммонинг қай даражада ҳал қилинганлиги ёки ўрганиш, тадқиқотнинг нима билан тугаганлиги номаълум.

**Диссертация номининг умумлаштирилган тузилмаси:**

Йўналиш: «*Вазифа ечими...*». «*Ишланма...*». «*Оптимальлаштириш...*». «*Асослаш...*». «*Яхшилаш...*». «*Ошириш...*» .

Тадқиқот объекти: «*...технологиялар ..*», «*...назариялар ...*», «*...амалиётлар ...*», «*...моделлаштирилиши...*».

Тадқиқот предмети

**Тадқиқотнинг долзарблигини белгилаш ва асослаш**

Мавзунинг таърифи фанда ҳозирда маълум бўлган ва ҳали тадқиққилинмаган ҳолларнинг биргаликда амал қилишини, яъни илмийбилишнинг ривожланиш жараёнини акс эттиради. Шу сабабга кўрамавзунинг долзарблигини асослаш тадқиқотни тайёрлашдаги жудамасъулиятли босқич ҳисобланади.

**Диссертация мавзуининг долзарблиги** – бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда кўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

**Мавзунинг долзарблиги** диссертация тадқиқоти сифатидаги илмий тадқиқотга нисбатан асосий талабдир.

***Тадқиқот долзарблигининг функционал тавсифномалари***

- иқтисодий фандаги қандайдир бўш ўринларнинг тўлдирилиши
- муаммонинг замонавий шарт-шароитларга нисбат бериб янадаривожлантирилиши
- фикрлар бирлиги бўлмаган масаладаги фикр
- тўпланган тажрибанинг умумлаштирилиши
- йирик масалага оид билимнинг жамланиши ва айна бир вақтда олғасурилиши
- олимлар ва амалиётчилар эътиборини жалб этиш мақсадида янгимуаммоларнинг қўйилиши

**Долзарбликниасослаш**

илмийбилишнингумумийжараёнисоҳасидамазкурмавзуниўрганишзарурати ниизоҳлашнибилдиради.

### **Назорат саволлари:**

1. Тадқиқотнинг назарий услубларига қандай усуллар киради?
2. Фараз нима?
3. Фаразлар қандай шаклланади?
4. Тадқиқотнинг эмпирик усулларига нималар киради?
5. Муаммонинг долзарблигини асослаш мезонлари нималардан иборат?
6. Тадқиқот мақсади нима?
7. Тадқиқот вазифаларини танлашда нималарга аҳамият берилади?

## **2 – амалий машғулот: Science Direct ва SCImago Journal Rank илмий маълумотлар базалари билан ишлаш.**

### **Режа:**

1. Science Direct илмий маълумотлар базалари билан ишлаш.
2. SCImago Journal Rank илмий маълумотлар базалари билан ишлаш.

Science Direct тўлиқ матнли маълумотлар базаси бўлиб, олимлар, ўқитувчилар, талабалар, тиббиёт мутахассислари ва саноат корхоналарининг илмий-тадқиқот бўлимлари учун дунёдаги илмий нашрларнинг 25 фоизини ўз ичига олган етакчи Elsevier ахборот платформасидир. Science Direct кўп тармоқли платформаси илм-фаннинг барча соҳаларини кенг қамровли ёритишни таъминлайди, 2500 та илмий журналлар ва 14000 дан ортиқ Elsevier китобларидан, шунингдек, нуфузли илмий жамоалар томонидан нашр етилган кўплаб журналлардан 14 миллиондан ортиқ нашрларга киришни таъминлайди.

